

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi
ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ТАЪЗИР: ЖИНОЯТЛАР ВА ЖАЗО

ТУРЛАРИ

*Мухтор Акрамов,
тадқиқотчи.*

Annotatsiya. Ushbu maqolada ta'zir turidagi jinoiyatlar va ularning shariat nuqtai nazaridan tahlili keltiriladi. Ta'zir atamasi arab tilidan kelib chiqib, "odob berish" yoki "jazo berish" ma'nolarini anglatadi. Maqola davomida ta'zirning lug'aviy va istilohiy ma'nolari, shuningdek, Qur'on va hadislardagi misollar bilan birga, ta'zir jazolarining turli xil ko'rinishlari va ular bo'yicha islomiy olimlarning fikrlari tahlil qilinadi. Ta'zir jazosi, shuningdek, shaxsiy huquqlar va jinoiy javobgarlik jihatidan ham ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: ta'zir, jinoiyat, jazolar, qur'on, hadis, islam huquqi, shariat, olima, huquqiy javobgarlik.

Таъзир туридаги жиноятларни таҳлил қилишдан илгари унинг луғавий ва истилоҳий маънолари англаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таъзир сўзи ўзбек тилига араб тилидан кириб келган бўлиб, бу атама араб тилида (التعزير - таъзиру) сўзи аввалидаги “те” ташдидли, яъни “те” иккита ўқилади ёки гоҳида ташдидсиз ҳам келиши мумкин. Кўплиги (تعازير - таъозир) шаклида келади. “Одоб бериш” маъносини англатади.

Шунингдек, - التعزير - сўзи “таъзир бериш, рад қилиш, таъқиқлаш, ёрдам бериш” маъноларини ҳам ифода қиласди. Таъзир жиноят учун жазо тарзида ҳам келади. Шунда, мазкур сўз عزز (аzzara) феълидан ясалган бўлиб, “таъзир берди”, ”одоб берди” маъноларини ифода қиласди¹.

Ўзбек тили изоҳли луғатида таъзир - “ жазолаш, айлаш, қоралаш, танбех бериш, ўтган хато ёки гуноҳга лойик дакки, дашном, танбех беришдир”- деган маъноларни англатади деб тушунирилган.

¹ Қаранг :Абу Бақр ибн Абдулқодир ар-Розий.Мухторус-сихоҳ.- Миср : “Вулоқ ал-мисрийя”1907.-429-бет.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Таъзир сўзини Қуръон каримнинг уч оятида учратиш мумкин.

Бу атама “улуглаш, ҳурмат қилиш, шарафлаш, мадад бериш,”- маъносида ишлатилган. Масалан Бу “Фатх” сурасида: “У (Муҳаммад с.а.в) ни ҳурмат қилиб, ёрдам беришингиз учун юбордик”, деб (9- оят), яна “Моида” сурасида: “Пайғамбарларимга имон келтириб ва уларни шарафлаб, мадад берсангиз”- деган. (12-оят),² шунингдек, “Аъроф” сурасида: “Унга имон келтириб, улуғлаб, ёрдам бердилар”- деб баён этилган.

Кувайт давлатида чоп этилган араб тилидаги “Фикҳ энциклопедияси” китобида “Таъзир - рад қилиш, тўхтатиш, ёрдам бериш, одоб бериш маъноларини ифода қиласи. Жиноий жазо - таъзир деб номланишига сабаб, таъзир бериш орқали жиноятчини қилган жинояти, гуноҳини қайта қилмаслик ва такрорламасликка тарғиб қилинади”- деб тушунтириш берилган.

Таъзир атамасининг истилоҳий маъноси ҳакида қуйидаги фикри келтирмоқчимиз. “Таъзир шариат истилоҳида:“Шаръий нуқтаи назардан, Аллоҳ таоло ва инсоннинг ҳаққи ҳисобланган, ҳадд ва каффорот даражасига етиб бормаган жиноятни содир этганида вожиб бўлган, адади белгиланмаган жазо туридир”.

Абдулҳай Лакнавий томонидан Бурҳониддин Марғилонийнинг “Хидоя”асарига ёзган шарҳда эса “таъзир - шаръий ҳадд даражасига етмаган жиноий жазодир. У аслида тўхтатиш, одоб беришдир. Ким бошқа инсонни сўкса, ҳақоратласа, ҳадд жорий қилинмайдиган сўз (миш-миш қилиб) билан тухмат қилса, таъзир қўллаш вожиб бўлади”- деб таъзирни тор маънода, яъни дарра уриш деб тушунтирилган. Аслида, ислом ҳуқуқидаги таъзирнинг жзо сифатидаги турлари хилма-хил бўлиб, юқорида тилга олинган Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилганидек танбех, дакки, дашном беришдан тортиб жарима, қамоқ, муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш, афв, зарарни қоплаш ва бошқа турлари мвжуд бўлган.

Таъзирга оид жиноятлар ва уларга назарга тутилган жазо

² Қаранг: Шайх Абдулазиз Мансур Қуръони карим маънолари таржимаси. Тошкент : “Ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси 2004 йил. 109- бет.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

турлари ҳақида фақих уломалар, яни турлича фикр билдирганлар . Масалан Абу Юсуф “-----”, яна бир гурух олимлар фикрига кўра, “таъзир – жиноий жазоси қўллашдаги умумий қоида ҳадд ёки каффоротга етиб бормаган барча маъсиятлар (гуноҳлар) учун жазо тарзда шариатда жорий қилинган жазо туридир. Шу билан бирга, содир этилган жиноятга оид ҳолатлар ҳамда айбланувчининг айбига қараб таъзир жазоси турли хил бўлади”.

Имом Аълоуддин Косоний Ҳанафий ўзининг “Бадоуссаноеъ фий тартибиш шарое” асарида таъзир жазосининг ўзига хос жиҳатларига тўхталиб шундай дейди: “Шариатда таъзир белгилашдаги асосий шартлар, бир киши ҳад жиноий жазосига етиб бормаган жиноятни содир этса, у ҳоҳ Оллоҳнинг ҳаққи ёки банданинг ҳаққи бўлсин фарқи йўқ таъзир бериш вожиб бўлади. Масалан, бир инсон мусулмон кишини зинодан бошқа ҳақоратли сўзлар билан, мисол учун “эй фосик , эй судхўр, эй ўғри, эй кофир”- деб тухмат қилса, ушбу ҳақоратли сўзлар унга нисбатан руҳий таъсир қилиб азият, обрў-эътиборларига камситгани боис , шунингдек бошқа инсонлар эса, бу ҳақоратли хабарга ишониш эҳтимоллари мавжуд бўлгани сабабидан, тухмат қилинган инсоннинг ор-номусини ҳимоя қилиш мақсадида тухмат қилган шахсга таъзир белгиланади.

Бир киши бировга :“Ей тўнғиз”,”еј эшак”-- деб ҳақорат қилса, ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Чунки, бу сўзлар билан бошқани ҳақорат қиласман деб, ўзини ҳақорат қилган ҳисобланади”- деганлар.

Бир инсонга таъзир белгилаш учун асосий шартлардан яна бири, бу жиноят содир этган шахснинг ақлирасо бўлишидир. Ушбу ҳолат топилганда ҳоҳ у ҳур ёки қул, эркак ёки аёл, мусулмон ёки кофир, вояга этган ёки етмаган қатъий назар таъзир жазоси белгиланади. Лекин ёш болаларга жиноий жавобгарлик юзасидан эмас, ахлоқий тузатиш жиҳатидан жазо берилади. Чунки, ақли норасо, яни ноқис ва ёш болаларнинг ҳатти-харакати жиноят деб баҳоланмайди. Улар одоб-ахлоққа чақириладиган табака вакилари деб ҳисобланади.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Таъзирнинг кўп миқдори ҳад даражасига етиб бормаслиги шарт. Шу сабабдан, икки имом Имом Абу Ҳанифа ва Имом Абу Юсуфнинг таъзирнинг дарра уриш турининг кўп миқдори борасида қарашлари турличадир. Абу Юсуф р.а:“Шариат буйруқларининг чақириғи асосан ҳур, яъни озод (эркин) инсонгга қаратилади, таъзир мавзусида ҳам ушбу мезондан фойдаланамиз. Масалан, ҳур инсонга қазф (тўхмат) қилганда саксон дарра урилади, таъзирга оид шу жинсда жиноятини содир этганда етмиш тўқиз дарра урулади”-деганлар.

Имом Абу Ҳанифа эса:”Таъзирнинг кўпи қулга белгиланган қирқ даррага етмаган ўттиз тўқизта урилади, чунки, Пайғамбар с.а.в ҳадисда ۸ сўзини накра (ноаниқ) шаклда айтганлар, албатта бундан қулга белгиланган қирқ даррани назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади, шу билан бирга шариат соҳиби кўзлаган мақсаддан юқорилаб кетилмасдан ва эҳтиёткорлик қоидасига амал қилинган бўлади. Имом Абу Ҳанифа р.а қарашларига амал қилинганда юқоридаги ҳадисда қайтарилган ўринга тушиб қолишдан ҳам омонда бўлинади”-деганлар.

Таъзирнинг дарра уриш турини қўллашдаги усууларга ҳақида фикр юритганда қўйидагилар қўзга ташланади.

Таъзир белгиланган ҳолатда зарблар кучли ва қаттиқ урилиши; айбдор дарра зарбидан оғриқни сезиши керак.

Машойих р.а: “Биринчи ҳолатдаги қаттиқ урушдан кўзланган мурод, жиноятчининг бир аъзосига барча зарбаларни йифиб, жамлаб, бошқа аъзоларини қўшмасдан уруш”- деб таърифлаганлар.

Баъзи фуқоҳолар эса: “Қаттиқ урушдан кўзланган мақсад, азият, оғритиб уруш”- деб ҳисоблаганлар. Шунга кўра, қаттиқ урушдан кўзланган мақсаднинг икки сабаби мавжуд бўлиб, улар қўйидагича;

Шариатда таъзир жазоси фақатгина зажр (тахдид ва танбех) бериш вазифани бажаради, таъзирда гуноҳларга каффорот маъноси йўқ, унга алоҳида тавба қилиш шартдир. Ҳад жиноий жазосида эса, зажр маъноси билан бирга гуноҳларга каффорот ҳам мавжуддир. Зоро, Пайғамбар с.а.в: “

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Ҳад жазолари жиноятчининг гуноҳига каффорот бўлади"- дедилар. Демак, таъзирда фақатгина сиёsat, таҳдид маъноси бўлгани учун қаттироқ урулади. Таъзирдаги зарблар миқдори ҳад жазосида белгиланган миқдордан оз бўлгач, урушни қаттироқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таъзирни ижро қилиш масаласида жабрланувчи ўзининг ҳаққидан кечиши, кечириши, ўзаро ярашиб олиши эҳтимоли мавжуддир. Чунки, таъзир банданинг ҳаққи бўлгани учун юқоридаги ҳукмларни амалга ошириш мумкин эди. Демакки, таъзирнинг дарра уриш тури жабрланувчи томонидан ярашув йўли билан бартараф келиши, яъни воз кечилишига йўл қўйилади.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, таъзирни қўллаш қасос ҳукми каби меросхўрларнинг ҳам ҳуқуқларидан ҳисобланади. Таъзирда тадохул (бир нарсани бошқасига киритиш) қоидаси ишламайди. Чунки, инсон ҳуқуқлари ушбу қоидани эҳтимол қилмайди, ҳад жазоларига ушбу қоидага амал қилинади. Таъзирда айбланувчи ўзига кафил (адвокат) олиш ҳаққи бор, кафил олмаган тақдирда гувоҳлар адолатли деб топилгунча қамоққа олиш мумкин бўлади. Ушбу масалада кафиллик ҳуқуқи бир кишини ҳимоя қилиш учун ишончнома сифатида жорий қилинган. Таъзир масаласи эса, инсоннинг ҳуқуқи билан боғлиқ бўлгани сабабли ишонч ҳосил қилиш ҳаққидан фойдаланиш мумкин. Ҳад жазосига хилоф ўлароқ, ҳадда кафиллика олиш ҳаққи берилмайди. Чунки, ҳадда ишонч ҳосил қилиш шарт эмас. Таъзирда эса, вақтинча қамоққа олиш таъзирнинг дарра уриш тури ўрнига ўтади. Шу билан бирга, таъзир қўллаш учун гувоҳларни адолатли эканинни билмасдан аввал шариатда жорий қилинмаган, ҳад жазосидан фарқли ўлароқ, ҳадда гувоҳларни адолатли эканинни аниқлангунча қамоққа олиб турилади, аммо қамоққа сақлаб туриш ҳад жазоси ўринини боса олмайди.

Таъзир турида жиноятларни ҳал қилиш жараёни айбдорнинг қатор ҳуқуқларини амалга оширилиши билан боғлиқ бўлади. Мазкур ҳуқуқларга: айбга икror бўлиш; ёки айбсизлиги учун бирон бир далил - исбот тақдим этиши мумкин; айбни мутлақо инкор этиш; ишдан қозининг хабардорлиги; эркаклар аёлларнинг гувоҳлиги қабул қилиниши(Ҳасан ибн Зиёд бу қарашга

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

зид фикр билдирганлар). Биринчи қараш тўғрироқдир; гувоҳнинг гувоҳлигига гувоҳлар шоҳид бўлиши мумкин; маълум бир қозининг бошқа қозига юборган хати ҳужжат сифатида ўтишлиги каби.

“Ал- Фатово Ҳиндийя” асарида таъзирнинг бошқа бир жиҳатига эътибор қаратилиб шундай дейилган:“Таъзир жиной жазони белгилашда Аллоҳ ва банданинг ҳаққи аралашгани эътиборидан иккига бўлинади”.

1. Аллоҳнинг ҳаққи поймол қилинганда ижро қилинадиган таъзир
2. Банданинг ҳаққи поймол қилингандаги ижро қилинадиган таъзир

Биринчи банддаги таъзирни амалга ошириш жиноят ишини кўриб чиқишни бошланган пайтида эътиборга олиниб, ундан воз кечиш тарк қатъиян мумкин эмас, фақатгина жиноятчи ушбу қилмишидан тўхтагани аниқ бўлса, жазо бермаслиги мумкин. Шу билан бирга, бир инсон ошкора тарзда гуноҳ қилаётган бўлса, барча мусулмонларнинг ўша инсонни таъзир беришга ҳаққи бор. Лекин, айбланувчи жиноятни содир этгандан сўнг аниқланса фақат ҳоким таъзир беришга ҳақли бўлади. Таъзир ҳукми фуқаролик ҳолати бўлгани учун икки эркак ёки бир эркак ва икки аёл гувоҳлигига амалга оширилади. Масалан, бир киши бошқа инсонни ҳақорат қилганини ёҳуд урганини айтиб, шариат судига даъво қилса, сўнг “менинг бу масала юзасидан гувоҳим бор, шунга кўра менга бир кафил инсон керак” - деб айтса, унга уч кунгача кафил инсон берилади. Кейин гувоҳларни тақдим қила олса, гувоҳларни сўрок қилунгунча кафил одам жабрланувчи билан бирга бўлади. У айтган гувоҳлар адолатли бўлиб гувоҳлик берганидан сўнг айбдорга тегишли таъзир белгиланиб жазоланади.

“Мухтасарул Виқоя“ асарида таъзирга оид қонун - қоидалар, меъёрлар батафсил баён қилган. Таъзир жинояти Қуръони Карим оятлари ва Пайғамбаримиз суннатлари ила собит бўлган . Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 34- оятида: “..., уларни уринглар .Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши (бошқача) йўл ахтарманглар” – деб айтилган. Абдуллоҳ ибн Аббос ушбу оядаги аёлларни уруш ҳақидаги буйруқ одобларини киритиб қўйишга далолат қиласи деган. Нўмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан: “Кимки ҳад

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

даражасига етмаган жиноятни содир этса, ана шу ҳаддан ошганлардандир”, деганлар. Пайғамбар соллалоҳу алайҳи вассалам: “Фарзандларингиз ўн ёшга етганларида намозни тарқ этганлари учун уринглар” - дедилар. Таъзир жазоси собит эканига саҳобалар ҳам ижмөъ қилганлар. Таъзир жазоси сифатида гоҳида қаттиқ гаплар айтиб огоҳлантириш ҳам мумкин. Ёинки қулоғини чўзиш, майиб қилмасдан уриш, кафт билан бўйинга уриш ила бажарилади. Таъзир беришда энг кўп миқдор ўттиз тўққиз қамчилир. (Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ наздида). Зоҳирур-ривоя китобида Абу Юсуф роҳимаҳуллоҳдан келган бир ривоятда етмиш беш, бошқа бир ривоятда эса, етмиш тўққиз қамчилир, дейилгани кўринади. Имом Муҳаммад роҳимаҳуллоҳ эса, бир ривоятда Абу Ҳанифанинг сўзлари каби айтганлари, бошқа ривоятда Абу Юсуф роҳимаҳуллоҳ каби фатво берганлари ривоят қилинган. Нўмон ибн Башир розияллоҳу анхудан: “Кимки ҳадд даражасига етмаган жиноятни содир этса, ана шу ҳаддан ошганлардандир” – деди. Ушбу ҳадисдан келиб чиқиб, Имом Абу Ҳанифа ҳад миқдорига етиб бормаслик миқдорини қулга бериладиган энг кам миқдордаги жиноий жазодан олганлар. Маълумки, ислом шариатида бир неча жиноятлар мавжуд бўлиб, уларга белгиланган жазо турлари ҳам ҳар хилдир. Улар сирасига хамр (ароқ ва шунга ўхшаш), яъни маст қилувчи ичимликни ичганда ўша шахс хур инсон бўлса саксон дарра, кул бўлса қирқ дарра урилади. Имом Аъзам роҳимаҳуллоҳ айнан қулга тайинланган энг паст миқдоридан озини қабул қилдилар. У қирққа етмаган сон, ўттиз тўққиздир. Абу Юсуф роҳимаҳуллоҳ эса, бу жазо белгилаш масаласида хур инсон биринчи ўриндаги шахс ҳисоблангани учун саксондан озини оламиз, у етмиш тўққиз дарра бўлади – деганлар. Таъзир жазосини белгилашда мана шу икки миқдорнинг ўртаси сонидан келиб чиққилади.

Имом Молик роҳимаҳуллоҳ наздида эса, таъзир жазосининг кўп миқдорини белгилашда маълум чегара йўқ деганлар, яъни имом бу ишда барчанинг умумманфати ётганини билса, ҳадд жазосининг кўп миқдоридан зиёда қилса ҳам бўлади – деганлар. Демак, Имом Моликнинг мазҳаблари икки имомнинг фатволаридан жуда узоқ эмаслиги кўриниб турибди.

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

Таъзирнинг оз миқдори уч қамчи миқдоридир. Имом Қудурий роҳимаҳуллоҳ худди шундай зикр қилганлар, чунки, у зот уч қамчидан пастда зажр (таъқиқ, сиёсат, эҳтиётдан қўрилган чора тадбир) ҳосил бўлмайди деб ҳисоблаганлар.

Темиртоший роҳимаҳуллоҳ Имом Сарахсийдан: “Таъзирнинг оз миқдори борасида қатъий адад белгиланмайди, балки ўша юртнинг ҳоким ёки имомига топшириб қўйилади” – деган фикрда бўлганлар. Чунки, таъзир қўллашдан қўзланган мақсад таъқиқ, сиёсат учун бўлгани сабаб, бу борада эса, инсонайбдорнинг жиноят содир этишдаги ҳолатлари турлича бўлади. Таъзир жазоси - қайсиdir инсонга насиҳат қилиш билан, кимдирга юзига шапалоқ уриш, бошқа бири калтаклаш, яна бирини қамоқقا олиш билан амалга оширилиши мумкин.

“Ан- нихоя” асарида зикр қилинади, энг олий мансабдаги шахслар, яъни уламолар ёки мансабдор шахсларга бериладиган таъзир тури барчага эълон қилиниб етказилади. Қози: “ Бизга етиб келдики, мана бу ишларни қилибсиз” – деб айтади. Олий мансабдор шахслар (амир ва деҳқонлар) га белгиланган таъзир тури эса , қилмишларини эълон қилиб, қози маҳкамасига олиб бориб, ўша ерда муҳокама қилиш билан йўли билан ҳал қилинади. Ўрта табақадаги инсон (бозорчи) ларга бериладиган таъзир – барчага эълон қилиб, маҳкамага судраб бориб, қамаш орқали амалга оширилади. Оддий ҳалқа бериладиган таъзир эса, юқоридаги зикр қилинган жазо турлари билан бирга дарра ёки қамчи уриш ҳам қўлланилиши мумкин.

Имом Абу Юсуф р.х дан қилинган ривоятда: “Султонга таъзир сифатида мол– мулкини олиб қўйиш ҳам жоиздир. Имом Абу Ҳанифа ва Мухаммад р.х фатволарида мумкин эмас. Масалан боғий (йўл тўсар ўз давлати ҳокимиятга қарши чиқсан сиёсий гурӯх) тоифадагиларни мол – мулкини олиб қўяди” – деганлар. Учала имом Абу Ҳанифа, Молик, Аҳмад, Шофиъй мазҳабларида эса, мол-мулкини олиш жоиз эмас – деган фикрдалар. Агар имом муносиб кўрса, шаръий масалаларда таъзирни ижро қилишни ҳанафий, моликий, ҳанбалийлар мазҳаби вакиллари вожиб бўлади- деб

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

айтадилар . Шофиъй мазҳаби эса , вожиб эмас дедилар. Бизнинг мазҳабимиз бўйича, таъзирдан кўзланган мақсад, шаръий огоҳлантириш ҳисобланиб, шаръий ҳаддлар каби амалга ошириш вожибdir . Агар имом таъзир беришда манфаат борлигини билса, уруш билан қамоқ жазосини ҳам амалга ошириши мумкин бўлади. Таъзир беришдаги урушнинг кўриниши ҳаддга нисбатан қаттиқроқ бўлади.Чунки, таъзирдаги зарб миқдори камайтирилади, унинг ҳисобига сифати оширилади, шу билан сиёsat қилишдан кўзланган мақсад бехуда кетмайди.

Бурҳониддин Маҳмуд Бухорий ўзининг “Муҳит” асарида: “ Имол Муҳаммад: “Таъзир қўллашдаги зарбалар баданнинг барча қисмига берилади, ҳад жиноий жазосида эса, факат бир жойгагина урилади “ – деганини зикр қилди³”.Юқорида баён этилганлардан хulosha шуки,таъзир туридаги жиноятлар турли туман бўлиб уларга қўлланиладиган жазо турлилари ҳам талайгина.муҳими таъзир туридаги жазолар содир этилган жиноятларни оғир енгиллиги ва айборнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда қози ёки имом томонидан белгиланиб ижро қилинган. Бу ҳақдаги батафсил таҳлиллар магистрлик ишида ўз аксини топган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Бакр ибн Абдулқодир ар-Розий.Муҳторус-сиҳоҳ.- Миср : “Вулоқ ал-мисрийя”1907.-429-бет.
2. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маънолари таржимаси.Тошкент : “Ислом университети” нашриёт матбаа бирлашмаси .2004 йил. 109- бет.
3. Нуриддин Султон Муҳаммад Алий ал-Қори.Фатҳу т боб ал-иноя.Миср Дори –ассалам.463- бет.-1997 йил.

³ Нуриддин Султон Муҳаммад Алий ал-Қори.Фатҳу т боб ал-иноя.Миср Дори –ассалам.463- бет.-1997 йил.